Методик қўлланма

Олий таълим муассасаларига

СМАРТ университет тамойилларини жорий этиш





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА СМАРТ УНИВЕРСИТЕТ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
“YETAKCHI NASHRIYOTI”
2024

УЎК: 378:004(072)(075)
КБК: 74.58я7
Х – 92
Хуррамов, Мусурмон
Олий таълим муассасаларига СМАРТ университет тамойилларини жорий этиш [Матн]: методик қўлланма / М.Хуррамов, К.Халмуратова. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024. – 32 б.

ISBN 978-9910-9622-5-7

Қўлланма Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази томонидан олий таълим муассасаларига смарт университет тамойилларини татбиқ этиш юзасидан методик ёрдам кўрсатиш мақсадида тайёрланди.

Мазкур қўлланма олий таълим муассасаларида “Смарт университет” концепциясини ҳамда смарт технологияларни жорий этиш борасидаги масалаларга бағишланган. Қўлланмада етакчи хорижий олий таълим муассасалари томонидан жорий этилган смарт технологиялар ва унинг турлари, СМАРТ таълим кампуслари ҳамда ўқитиш стратегиялари ҳақидаги муҳим масалалар ёритилган.

Ушбу қўлланма олий таълим муассасалари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари ва ходимлари учун мўлжалланган.

Таҳрир ҳайъати:
Ш.Якубов, И.Зокиров, А.Амонов, Т.Ахмедов,
М.Хайитов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378:004(072)(075)
КБК: 74.58я7

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2023 йил 25 сентябрдаги 5-сонли раёсат мажлиси баёни ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 29 сентябрдаги 438-сонли буйруғи асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9910-9622-5-7

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази, 2024 й.

КИРИШ

Сўнгги йилларда смарт таълим, смарт университети, смарт технологиялар каби тушунчалар таълимга оид турли халқаро анжуманлар, форумлар ҳамда илмий доираларда кенг муҳокама этиладиган мавзуга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармонида таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кўллаган ҳолда, таълимни бошқаришни автоматлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш тизимини яратиш вазифаси белгиланган. Мазкур Фармон олий таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан, смарт-технологиялардан фойдаланиш, сифат ва самарадорликни оширишга қаратилган стратегия ва ташаббусларни белгилаб берди.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши натижасида анъанавий ва электрон таълимни уйғунлаштириш ҳамда смарт таълимни ривожлантириш вазифаси кун тартибига чиқмоқда. Олий таълим муассасалари смарт технологиялардан фойдаланган ҳолда, янги авлод мутахассисларини тайёрлаш ўқув ва илмий фаолиятда қўлланиладиган электрон платформаларни интеграция қилиш ҳамда талабалар ва профессор-ўқитувчиларга исталган жойдан туриб университет ресурсларидан осонлик билан фойдаланиш имкониятини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.





Смарт технологиясининг интеграция жараёни ўқитиш ва ўқиш тизимларини ўзгартириш, маъмурий жараёнларни соддалаштириш ҳамда таълим соҳасининг умумий даражасини ошириш имкониятларини яратиб беради.

Смарт йўналишига тегишли олий таълим муассасасининг кампуси, ўқув тизими ва инновацион технологияларининг тарқалиши академик муассасалар, талабалар, профессор-ўқитувчилар, профессионал ва маъмурият ходимларига ўқитиш стратегиялари ҳамда таълим натижалари сифатини ошириш учун янги, юқори технологик ёндашувлар нуқтаи назаридан катта имконият тақдим этади. Олий таълим муассасаларининг технологик ютуқларидан бири асосий функциялар ва смарт хизматларини аъло даражада самарали бошқаришни таъминлаш ҳисобланади.

Олий таълимни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаш қобилиятини оширишга қаратилган янги таълим парадигмасини амалда татбиқ этади.

Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган мазкур услубий қўлланма олий таълим муассасаларига смарт технологияларни жорий этиш борасида амалий ёрдам беради.

СМАРТ УНИВЕРСИТЕТНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ижтимоий ривожланишнинг замонавий ва оммабоп тенденцияларидан бири жамият ҳаётининг турли соҳаларида смарт технологияларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳисобланади. Смарт технологиялар нафақат технологик, балки ижтимоий жараёнларнинг ҳам табиатини сифат жиҳатидан ўзгартиради. Шу сабабли ҳозирги пайтда мазкур технологиялар жамоат ташкилотининг алоҳида тури сифатида жорий этилмоқда.

Смарт жамият парадигмасининг асосий нуқтаси — ижодий салоҳиятга эга бўлиб, маълум бир ахборотни тез ва самарали топа оладиган, ундан унумли фойдалана оладиган, ходимлар иш жойининг ўзгарувчан талабларига мослаша оладиган, яъни XXI аср билим ва кўникмаларига эга кадрларни тайёрлашдан иборат. Ривожланган жамият парадигмасини шакллантириш ҳамда уларнинг таълим жараёнини ташкил этишда смарт технологиялардан тўғри фойдаланиш лозим, чунки смарт муҳитсиз замонавий жамиятни тасаввур қилиш қийин.

Смарт технологияси — мақсадларни белгилашнинг замонавий ёндашувларидан бири ҳисобланади. Мазкур тизим мақсадларни белгилаш босқичида барча мавжуд маълумотларни тўплаш, иш учун зарур муддатларни белгилаш, ресурсларни ҳисоблаш ва вазифаларни аниқлаш имконини беради.

Смарт қисқартма сўз бўлиб, менежмент ва лойиҳавий бошқарувда мақсадни аниқлаш ва масалаларни қўйиш учун фойдаланиладиган мнемоник аббревиатура ҳисобланади. Смарт қисқартмаси қуйидаги сўзларнинг бош ҳарфларидан ташкил топган:

S — specific — аниқ. Мақсад максимал аниқ бўлиши ҳамда атрофдагилар томонидан бир хил маънода тушунилиши лозим. Смарт технологияси бўйича мақсадларни осон шакллантириш учун қуйидаги саволларга жавоб бериши керак: “Бевосита нима қилиниши керак?”, “Қачон?”, “Қандай миқдорий кўрсаткичларда?”, “Мақсадга эришиш учун зарур бўлган чекловлар ёки қўшимча шартлар мавжудми?”.

M — measurable — ўлчовли. Мақсадга интиладиган кишилар, яхши натижаларга эришиш учун аниқ бўлган мезонларни осон тушунишлари керак. Мақсад ўлчанадиган бўлиши лозим. Смарт технологияси шахсни ва у эришадиган натижаларда ўзининг фойдасини кўра оладиган даражада мотивация беради.



A — achievable — эришиладиган. Смарт технологиясининг ушбу мезони кўпроқ ёлланган (таклиф этилган, жалб этилган мутахассис) ходимларга тўғри келади. Мақсадга эришиш учун барча мавжуд ресурслар ҳамда чекловларни ҳисобга олиш лозим. Масалан, вақт ресурслари, маълум бир соҳадаги билим ҳамда тажриба, ахборот ресурсларидан унумли фойдаланиш, тўғри қарор қабул қилиш қобилияти ва бошқалар.

R — relevant — муҳим. Смарт технологиясининг якуний мақсади, ташкилот вазиятига мос бўлиши лозим. Мақсад маълум бир вақт оралиғида катта аҳамиятга эга бўлиши керак. Турли давр мобайнида ташкилот натижаси учун долзарб бўлган қисқа ва узоқ муддатли мақсадлар мавжуд. Қўйилган мақсад қанчалик мазмунли эканлигини тушуниш учун унга эришгандан сўнг қанчалик фойда олиб келганлигини аниқлаш зарур.

T — time bound — вақт бўйича чегаралар. Мақсад — бу чекланган нарса, яъни унинг муддати ва якуний санаси бўлиши керак. Вақт оралиғини белгилаш имконияти мақсадга эришиш жараёнини бошқариладиган қилиши мумкин. Смарт технологиялар раҳбариятнинг ихтиёрий вақт бўйича мақсадни чегаралаш шарти билан қўйилади. Ходимлар эса мақсад бажарилиш вақтини аниқ қўйиши ёки бир даврга боғлаши мумкин.

Замонавий таълим тизимининг ўзгаришлари шуни кўрсатадики, анъанавий ўқитишнинг ёрдамчи воситаси бўлиб хизмат қиладиган, чекланган амалий дастурларга эга бўлган одатий аудитория ва электрон таълим аста-секин смарт таълим билан алмаштирилади. Смарт таълим концепцияси билим ва кўникманинг энг юқори даражасини таъминлашга қаратилган бўлиб, битирувчиларга, биринчи навбатда, олий таълим муассасаларига нафақат тез ўзгарувчан профессионал муҳитда ўзини намоён қилиш, балки инновацион жамиятга мослашиш имконини беради.

Смарт таълим — умумий стандартлар, келишувлар ва технологиялар асосида Интернетда қўшма таълим фаолиятини амалга ошириш учун таълим муассасалари ва профессор-ўқитувчиларнинг бирлашмаси ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, “Смарт таълим” тушунчасининг талқини СМАРТ концепцияси асосида шакллантирилган. Смарт таълим концепцияси Корея Республикаси Таълим, фан ва технологиялар вазирлиги томонидан илгари сурилган замонавий таълим ҳисобланади. Ушбу концепция 2011 йилда таълим ахборот сиёсати сифатида фаолият олиб бора бошлаган. Смарт концепциясининг аниқ мақсадлари: ўз-ўзини бошқарадиган (S: ўз-ўзини бошқариш / S: Self-Directed), мотивацияга бой (M: мотивацион / M: Motivated), мослашувчан (A: мослашувчан / A: Adaptive), ресурслар билан бойитилган (R: ресурс билан бойитилган / R: Resource-enriched), технологик (T: технология билан ўрнатилган / T: Technology-embedded) таълимни қуришдан иборат. Смарт таълимнинг асосида қуйидаги хусусиятлар ётади:

– таълимда асосий эътиборни кўпроқ ўз-ўзини тарбиялашга қаратиш ҳамда талабаларнинг “билим олувчилар” тоифасидан “билим ижодкорлари” тоифасига ўтиши;

– амалда ўрганиш, ижодий масалаларни ҳал этиш ва индивидуал баҳолаш асосида талабаларни таълим жараёнига онгли равишда киритиш;

– таълим тизимининг мослашувчанлиги (таълим ва кўникмаларни талабаларнинг шахсий хоҳишларига мослаштириш);

– бепул масофавий курслар (бой “булутли” контентдан фойдаланиш);

– талабаларга исталган вақт ва жойда билим олиш имконини берувчи турли технологиялардан фойдаланиш.

Смарт университетлар — таълим, тадқиқот ва маъмурий операциялар, малака, кўникма ва назарий билимларни яхшилаш учун илғор технологиялар ва инновацион стратегиялардан фойдаланадиган муассаса ҳисобланади. Смарт университетларни белгилайдиган баъзи асосий хусусиятлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Рақамли кампус: смарт университетларида тўлиқ бир-бирига боғланган кампус мавжуд бўлиб, у ерда барча қурилмалар, тизимлар ва хизматлар Интернет технологиялари (IoT) орқали узлуксиз интеграциялланган бўлади. Талабалар, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар маълумотлар, ресурслар ва хизматларга исталган қурилмалардан, университетнинг исталган жойидан киришлари ва фойдаланишлари мумкин.



2. Индивидуал таълим: смарт университетларида ҳар бир талаба таълим олиш ва ўрганиш тажрибасини шахсийлаштириш учун маълумотлар таҳлили ва сунъий интеллектдан (AI) фойдаланади. Бунга мослашувчан ўқув дастурлари, мослаштирилган курс тавсиялари ва реал вақтдаги фикр-мулоҳазалар киради.

3. Биргаликда ўрганиш: смарт университет талабалари, профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг жойлашувидан қатъи назар, реал вақт режимида лойиҳалар, тадқиқот ва бошқа тадбирлар устида ҳамкорлик орқали ишлаш имконини берувчи виртуал платформаларни тақдим этади.

4. Смарт аудиториялар: замонавий университетлар ўқитиш ва ўрганиш тажрибасини яхшилаш учун интерактив доскалар, проекторлар, видео конференциялар ва виртуал ҳақиқат воситалари каби смарт аудитория технологиясини ўз ичига олади.

5. Тадқиқот ва инновациялар: смарт университетлар илғор тадқиқот объектлари ва технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, саноат ҳамкорлари ва бошқа олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини тақдим этади.

6. Кампус хавфсизлиги: смарт тизими жорий этилган олий таълим муассасалари видеокузатув, юзни аниқлаш ва фавқулодда вазиятларга жавоб бериш каби илғор хавфсизлик тизимларидан фойдаланган ҳолда, кампус хавфсизлигини биринчи ўринга қўяди.

7. Барқарорлик: смарт тизими жорий этилган олий ўқув юртлари атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва яшил кампусларни ривожлантириш учун барқарор амалиёт ҳамда замонавий технологияларни қўллайди. Бунга энергия тежайдиган бинолар, қайта тикланадиган энергия манбалари ва чиқиндиларни камайтириш дастурлари киради.

8. Маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш: смарт университетлар ўқув дастурлари, талабалар хизматлари ва маъмурий операциялар бўйича асосли қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар таҳлилидан фойдаланади. Бу эса доимий такомиллаштириш ҳамда юқори самарадорликка олиб келади.

9. 24/7 қўллаб-қувватлаш: смарт университетлар талабалари, профессор-ўқитувчилари ва ходимларига техник ёрдам, маслаҳат ва ривожланиш (мартаба ўсиши, лавозим кўтарилиши) хизматларини ўз ичига олган ҳолда, олий таълим кампусидаги ҳар бир киши учун узлуксиз ва самарали тажрибани таъминлаш учун 24/7 ёрдам хизматларини тақдим этади.

Смарт кампус — Европа Комиссияси томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳамда асосий фойдаланувчилар (талабалар, ўқитувчилар, тадқиқотчилар) билан ўзаро ҳамкорлик орқали олий ўқув юрти томонидан фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ва энергия ресурслар самарадорлигини оширишга қаратилган лойиҳа ҳисобланади. Смарт кампусларида замонавий технологиялар ўқув дастурлари ҳамда ўқув жараёнларини амалга оширишнинг инструментал технологиялари (замонавий смарт доска ва бошқалар)дан бири бўлиб, инновацион ўқув режалари ва фанларида сифатли қўлланилади. Айнан смарт технологиялар инқилобий ўқув ва услубий материалларни ишлаб чиқиш, шунингдек, талабалар учун индивидуал таълим йўлларини шакллантириш имконини беради. Смарт таълим концепцияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Таълим жараёни иштирокчиларининг компетенцияларини, шу жумладан, расмий ва норасмий ўқув жараёнининг фаолиятини узлуксиз ривожлантириш учун интеллектуал муҳитни яратиш, натижада олинган билимлар ва кўникмаларни ўз фаолияти ҳамда амалиёт жараёнида қўллаш. Мазкур таълим компетенциясини амалга оширишнинг техник асоси талабаларга ҳам, таълим муассасаларига ҳам тегишли бўлган барча қурилмалардан иборат: компьютерлар, ноутбуклар, планшетлар, смартфонлар ва бошқалар.

2. Смарт таълим концепциясининг асосий мақсади — рақамли жамият ва ақлли иқтисодиётда муваффақиятли фаолият юритиш учун зарур бўлган кўникмаларни таъминлаш. Смарт таълимнинг асосий хусусиятлари:



– узлуксизлик: турли хил операцион тизимлар учун ишлаб чиқилган дастурий таъминот ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш. Мазкур ху-



сусият ўқув жараёнининг узлуксизлигини ва таълим маълумотларининг яхлитлигини амалга ошириш имкониятини таъминлайдиган, ишлатиладиган қурилмалардан қатъи назар, ўрганиш учун тенг имкониятларни тақдим этишга имкон беради;

– таълим ахборотларининг қулайлиги: таълим олиш ва кўникмаларни ривожлантириш вақти ҳамда жойидан қатъи назар, талабаларга ахборот олиш имкониятларининг эркин бўлиши;

– ўқитувчи ва талабанинг автономлиги: ўқув маълумотларига кириш учун мобил қурилмалардан фойдаланиш ҳамда ўзига тегишли пароль ва логинга эга бўлиш (олий таълим муассасасининг веб-сайтларидан узлуксиз фойдаланиш учун);

– турли мотивацион моделларнинг таърифи;

– иш берувчилар ва таълим муассасаларининг шахсий ҳамда ташкилий мақсадлари ўртасидаги боғлиқлик;

– ўқув компетенцияларда кўрсатилган ўзгаришларни баҳолаш: ўқув жараёнининг самарадорлиги олинган билимлар билан эмас, балки уларни амалиётда қўллаш қобилияти билан ўлчанади;

– талабанинг хоҳиш-истаклари ва индивидуал имкониятлари нуқтаи назаридан мослашувчан таълим (таълимни ўқувчининг индивидуал параметрларига мослаштириш: талабанинг бошланғич таълим базаси, тажриба ва кўникмалари; ўрганиш услуби; физиологик ва психологик ҳолатлари).

Олий ўқув юртларида смарт таълимни муваффақиятли амалга ошириш жараёни илмий-педагогик ходимлар учун мавжуд бўлган интеллек-

туал технологияларига қатъий риоя этиши, талабаларнинг шахсий талаблари ва хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бунинг учун қуйидагилар зарур: индивидуал машғулот жадвалидан фойдаланиш, талаба ва ўқитувчи ўртасида доимий алоқада бўлиш, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш, ўқиш учун қулай вақт ва жойдан фойдаланиш. Таълимдаги интеллектуал смарт технологиялари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Таълим тармоқлари (“Электрон университет” халқаро консорциуми — нотижорат электрон кутубхона лойиҳалари бўлиб, мазкур тизим орқали олий таълим муассасалари бир-бирининг ўқув ва илмий адабиётларидан фойдаланиш имкониятига эга);

2. Smart e-learning (замонавий электрон воситалар ва Интернетдан фойдаланган ҳолда ўқиш ҳамда ўқитиш);

3. Электрон таълим сифати (E-metrix, стандартлаштириш ва сертификатлаш);

4. Йўналтирилган тезкор таълимнинг бошланиши.

Смарт таълим муҳити узлуксиз таълим учун ақлли, фанлараро, талабага йўналтирилган таълим тизимини тақдим этади. Мазкур таълим муҳити қуйидагилардан иборат:

– мослаштирилган таълим дастурлари (портфель);

– талабалар ҳақида кўпроқ маълумот (уларнинг ютуқлари, иш фаолияти ҳамда бошқалар);

– қўшма дастур таълим технологиялари (ўқув дастурларини тузиш);

– техник жиҳатдан мустақил ўқув жараёнига кириш (LifeLong Learning);

– кўп сонли мунтазам функцияларни машиналарга (роботларга) ўтказиш;

– янги таълим босқичида ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш;

– амалиётчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш.

Шундай қилиб, юқори сифатли таълимнинг мавжудлиги ёш авлоднинг ҳаётий вазифаларнинг кенг тоифасини ҳал қилишга мослашиши учун зарур шарт ҳисобланади. Смарт таълим жараёни ўзгарувчан дунё шароитида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилишда шахсий ривожланиш имкониятларини кенгайтириб беради. Айнан смарт таълим концепцияси бўлажак мутахассисларнинг ижодий салоҳиятини шакллантиради.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА СМАРТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Смарт тизимининг асосий элементлари смарт талаба ёшлар, смарт педагогика ва смарт муҳитдан иборат. Бундан ташқари, талаба смарт таълимнинг асосий субъекти ҳисобланади. Смарт тизимига йўналтирилган таълим жараёни билан, ўқувчиларнинг иш фаолияти ҳамда шахсий ҳаётида, самарали фойдаланишлари учун замон талабларига жавоб берадиган кўникма ва малакаларини эгаллашга қаратилган бўлиши керак. Смарт таълимнинг асосий мақсади ҳар томонлама ёш талаба-ўқувчиларни ривожлантириш, уларни замонавий динамик муҳитда ишлашга тайёрлаш.

Смарт педагогика олий таълим муассасаси талабаларига уларнинг имкониятларини кенгайтирадиган, қобилиятлари ва ижодий фикрлашни ривожлантирувчи индивидуал хизматларни тақдим этишдан иборат. Смарт таълим парадигмасига мос келадиган педагогика турлари бўйича мунозаралар ҳали ҳам давом этмоқда. Смарт педагогиканинг энг аниқ моҳияти тўртта ўқитиш стратегиясидан иборат:

– фанлар кесимида табақалаштирилган (дифференциал) таълим;

– гуруҳларга асосланган таълим (ҳамкорликда таълим олиш ҳамда янги кўникмаларни ўзлаштириш);

– қизиқишлар асосида индивидуал таълим (LifeLong Learning);

– интерактив ўзаро таъсир орқали оммавий генератив таълим (Smart e-learning).

Смарт стратегиялар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур стратегияларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда талабаларнинг шахсий ривожланишига ҳисса қўшадиган таълим хизматларини тақдим этишга қаратилган.

Смарт муҳит турли технологиялар томонидан қўллаб-қувватланадиган ўқув муҳити бўлиб, ўқувчиларга рақамли ресурслардан фойдаланиш ва исталган жой, вақтда таълим тизимлари билан ўзаро алоқада бўлиш имконини беради. Шунингдек, ўқувчиларга керакли ўқув қўлланмалари, ёрдамчи воситалар ва ўқув таклифларини керакли жойда, реал вақт ва тўғри йўлда, фаол равишда тақдим этишга ёрдам берадиган восита ҳисобланади. Смарт муҳит ўз ичига макон, жой, вақт, технологиялар, қурилмалар, бошқарув ва ўзаро таълим таъсир кучини олади. Шунинг учун смарт муҳит замонавий таълимнинг асосий элементларидан бири бўлиб, ўқувчиларга индивидуал таълим ресурслари ва махсус усуллари асоси-

да қўлланиладиган тизимлар билан ўзаро муносабатда бўлиш имкониятини беради.

Смарт технологияларнинг моҳиятига тўхталадиган бўлсак, компьютер дастурлари, онлайн ресурслар, ўқув ўйинлари ва ўйин вазиятлари, интеллектуал таълим иловалари, виртуал ҳақиқат, оммавий очиқ онлайн курслар ва интерфаол интерфейслар мослаштирилган ҳамда мослашувчан технологиялар бўлиб, улар шахсийлаштирилган таълимни ташкил этишга ёрдам беради.

Шимолий Техас университети профессори Ж.М.Спекторнинг фикрига кўра, смарт технологиялар талабаларнинг индивидуал қизиқишлари ва хусусиятларига жавоб беради. Мазкур технологиялар янги муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган барча хусусиятларга эга (масалан, таълимда турли мотивацион моделларни яратиш ва улардан фойдаланиш; иш берувчиларнинг талаблари ва таълим мазмуни ўртасидаги доимий боғлиқлик; олий ўқув юртининг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш орқали ўқитувчи ва талабанинг автономияси; таълим дастурининг маълумотларини олиш ва сайтга кириш учун қулай мобил қурилмалар). Профессор-ўқитувчи А.Н.Нестеров нуқтаи назаридан, смарт технологиялар замонавий ўқув маҳсулотларини (смарт доскалар, столлар, экранлар, электрон сумкалар, 3D принтерлар, ахборот технологиялар орқали "булутли" ҳисоблаш тизими ва бошқалар) ишлаб чиқаришга, фойдаланувчилар томонидан ташаббускор ва интерактив тарзда индивидуал таълим олишга имкон беради. Замонавий технологиялар янги муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган барча хусусиятларга эга (масалан, таълимда турли мотивацион моделларни яратиш ва улардан фойдаланиш; иш берувчиларнинг талаблари ва таълим мазмуни ўртасидаги доимий боғлиқлик; таълим маълумотларини олиш ва веб-сайтга кириш учун мобил қурилмалардан фойдаланиш орқали ўқитувчи ва талабанинг автономияси).

2018 йил 18-20 март кунлари Пекинда бўлиб ўтган учинчи Америка-Хитой "Смарт таълим" конференциясида тадқиқотчи олимлар замонавий технологиялардан тўғри фойдаланиш қуйидаги имкониятларни яратиб беришини таъкидладилар:

1) ўқитувчилар учун:

– кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш;

– ҳар бир талаба учун индивидуал таълим траекториясини қуриш;

– талабалардаги мустақил таълим, дарсдаги фаол иштироки, ўқишга бўлган мотивациясини ривожлантириш;

– талабаларнинг мустақил изланишларини қўллаб-қувватлаш;

– талабаларни жамоавий биргаликдаги фаолиятга жалб қилиш;

– муаммоларни ҳал қилиш ва ахборотларни ўзлаштиришни такомиллаштириш;

– маълум бир ўқув материалини тезкор ўзлаштириш, кўпроқ ўқув дастурига тегишли мавзуларни ва унинг мазмунини ёритиш;

– талабалар ўртасидаги хавотирни камайтириш (“имтиҳонда иштирок этиш” қўрқувини йўқ килиш);

2) талабалар учун:

– кўникмаларнинг янада бой ва замонавий тўпламини эгаллаш;

– мотивация ҳамда ўқишга бўлган фаолликни ошириш;

– мустақил таълим кўникмаларини, зукколикларини ҳамда стратегияларини ривожлантириш;

– ўқув натижаларини яхшилаш;

– иш юкини енгиллаштириш.

Дунё бўйлаб олий таълим муассасалари талабаларининг ютуқларини ошириш, харажатлар (таълим соҳасига сарфланадиган маблағлар)ни камайтириш ва ўз таълим ташкилотларини замон талабларига жавоб бериши учун смарт кампус дизайнига устувор аҳамият қаратмоқда. Олий таълим муассасаси симсиз ва симли алоқа хизматлари учун асос яратгандан сўнг чексиз имкониятлар пайдо бўлади. Қуйида смарт кампус иловаларидан фойдаланадиган университетларнинг мисоллари келтирилган:

1. Аризона штат университетида “ASU Commencement” иловаси ёрдамида виртуал битирув маросими бўлиб ўтди. 2020 йил кузги битирувчилар учун яратилиши мумкин бўлган энг яхши виртуал маросим инновациясини тақдим этиш мақсадида Аризона штат университетининг 12 нафар “Meteor Studio” талабалар жамоаси “XR at ASU” ташаббуси билан ҳамкорликда тўлиқ кенгайтирилган ҳақиқат тажрибаси орқали бутун дунё бўйлаб турар жойларида битирув кечасини нишонлашнинг янги усулини яратишди. Мазкур илова виртуал маросимни талабаларнинг телефон ёки планшетида камера орқали акс эттирган бўлиб, томошабинларга ўзларини ҳақиқатан ҳам саҳнада турган каби ва битирув кечаси лаҳзасининг бир қисмидек ҳис қилишларига ёрдам беради.


2. Небраска-Линкольн университети Realcomm томонидан 2020 йилнинг энг ақлли олий таълим кампуси деб топилди. Операцион автоматлаштириш тизимларини яратиш ва жорий этиш билан бир қаторда, мазкур университет “тежамкор ва юқори технологияли замонавий гибрид аудиторияларни” тақдим этади.

3. 2016 йили Калифорния штат университетида “Смарт кампус” ташаббусининг тўртта оқими — eSignature (Efficient digital Signature — самарали рақамли имзо), Digital Signage (жамоат жойларида ўрнатилган электрон оммавий ахборот воситаларидан маълумотларни узлуксиз тақдим этиш технологиялари), Digital Wayfinding (electronical maps & digital routing — электрон хариталар ва рақамли маршрутлар) ва One Card (Student Card) ишга туширилди. Смарт кампусга тегишли бошқа инновацион ечимлар ҳам тугатиш ва жорий этиш жараёнида. Сўнгги йилларда тизимда қуйидаги инновацион технологиялар амалга оширилмоқда: талабанинг виртуал амалиёт лабораторияси, рақамли давомат ҳисоботи, смарт технологиялар орқали профессор-ўқитувчиларни танлаш ёки ўзгартириш жараёни ва бошқалар.

Олий таълим муассасаларида смарт таълимни жорий этиш ва унинг тараққиёт жараёнлари ҳар хил бўлиши мумкин. Замонавий технологиялар ва смарт таълимга муҳим эътибор қаратган олий ўқув юртлари рўйхати қуйидагича:

1. Массачусетс Технология Институти (Massachusetts Institute of Technology — MIT) таълим соҳасидаги инновацион ва технологик жиҳатдан илғор ёндашуви билан машҳур. MITда ўзига хос бренд “Смарт таълим тизими” бўлмаса-да, институт турли хил смарт таълим ташаббуслари ва амалиётларини йўлга қўйди. MITнинг смарт таълимга бўлган ёндашувининг баъзи асосий элементлари қуйидагича:

1) MITx ва OpenCourseWare (OCW): институт MITx платформаси орқали бепул онлайн курсларни таклиф қилади. OCW орқали эса курс



материаллари ва ресурсларига очиқ кириш имкони мавжуд. Мазкур ташаббуслар сифатли таълимни глобал аудитория учун очиқ қилиш ва ҳаёт давомида мустақил таълим олишни ривожлантиришга қаратилган.

2) Blended Learning (Аралаш таълим): MIT аралаш таълим муҳитини яратиш учун анъанавий аудиториядаги таълимни онлайн ва рақамли ресурслар билан бирлаштиради. Мазкур ёндашув мультимедиа контенти, интерактив машқлар ва онлайн мунозараларни тақдим этади.

3) EdX: мазкур олий ўқув юрти EdX платформасининг асосчи ҳамкори ҳамда оммавий очиқ онлайн курсларнинг (MOOCs — Massive Open Online Courses) етакчи провайдери ҳисобланади. EdX институт ва бошқа нуфузли олий таълим муассасаларининг кенг доирадаги онлайн курсларини таклиф этади. Бу эса талабаларга дунёнинг исталган нуқтасидан юқори сифатли таълим олиш имконини беради.

4) Technology-Enhanced Classrooms (замонавий технологиялар билан жиҳозланган аудиториялар): институт интерактив ва ҳамкорлик таълим орқали билим олиш имкониятини қўллаб-қувватлаш учун ўз аудиторияларида илғор технологиялардан фойдаланади. Бунда интерактив доскалар, рақамли дисплейлар, видеоконференция имкониятлари ва реал вақтда маълумотларни таҳлил қилиш воситалари ишлайди.

5) MIT App Inventor: талабаларга ўз мобил иловаларини яратиш имконини берувчи визуал дастурлаш муҳити ҳисобланади. Мазкур визуал муҳит кодлаш ва иловаларни ишлаб чиқиш бўйича амалий машғулотларни тақдим этади. App Inventor талабаларнинг ижодкорлигини ва улар яратган инновацияларни рағбатлантиради.

6) Educational Technology Initiatives (таълим технология ташаббуслари): Office of Digital Learning (Рақамли Таълим Офиси) ва Abdul Latif Jameel World Education Lab (Абдул Латиф Жамил Жаҳон Таълим Лабораторияси) орқали MIT таълим технологиясини тадқиқ қилиш ва ривожлантиришни фаол қўллаб-қувватлайди. Мазкур ташаббуслар таълим олиш жараёнини инновацион технологиялар билан жиҳозлашга ёрдам беради.

7) Experiential Learning (тажрибали ўрганиш): лойиҳалар, амалиётлар ва тадқиқот олиб бориш имкониятлари орқали тажрибавий ўрганишга урғу беради. Смарт технологиялари кўпинча янги лойиҳаларга интеграцияланган бўлиб, талабаларга ўзларининг тажриба соҳаларига мос келадиган илғор технологиялар билан ишлашга имкон беради.

MITнинг технологик инновацияларга содиқлиги ва таълимга интеграциялашуви интеллектуал таълим соҳасида етакчига айлантиради. Таълим муассасасида таълим сифатини ошириш, ўқувчиларни келажакка

тайёрлаш учун янги ёндашувлар, технология ва методикалар доимий равишда ўрганилиб келинади.

2. Стенфорд университети (Stanford University) таълим соҳасида инновациялар ва технологияларга содиқлиги билан машҳур. Стенфорд университетининг смарт таълимга бўлган ёндашувининг баъзи асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

1) Stanford Online (Онлайн Стенфорд): Стенфорд университети ўзининг онлайн платформаси орқали онлайн курслар ва дастурларини тақдим этади. Мазкур онлайн курслар турли мавзуларни қамраб олади ҳамда глобал талабалар аудиторияси учун қулай ва мослашувчан таълим олиш имкониятларини тақдим этишга мўлжалланган.

2) Stanford Center for Professional Development (Стенфорднинг Касбий Ривожланиш Маркази): SCPD ўз малакасини ошириш ёки таълимни давом эттиришни хоҳловчи мутахассислар учун онлайн ва аралаш таълим дастурларини тақдим этади. Мазкур марказ юқори сифатли таълим бериши учун смарт технологияларидан фойдаланадиган сертификат дастурларини ҳамда профессионал курсларини тақдим этади.

3) Technology-Enhanced Classrooms (замонавий технологиялар билан жиҳозланган аудиториялар): Стенфорд олий ўқув юртида интерактив дисплейлар, мультимедиа ресурслари ва ҳамкорлик таълим алмашув воситалари билан жиҳозланган ҳамда смарт технологияларга асосланган аудиториялари мавжуд. Мазкур аудиториялар фаол тадқиқот олиб бориш ва мустақил ўрганиш имкониятини қўллаб-қувватлайди. Смарт хоналари реал вақтда ўзаро таълим таъсирини ривожлантиради ва ўқитувчиларга ўқитиш жараёнида турли рақамли ресурслардан фойдаланиш имконини беради.

4) Стенфорд OpenEdX: онлайн курслар ва дастурларни ишлаб чиқиш, етказиб бериш учун очиқ манбали таълимни бошқариш тизими бўлган OpenEdX платформаси мавжуд. Мазкур платформа талабаларга курс мазмунига кириш, интерактив тадбирларда фаол қатнашиш, тенгдошлари ҳамда ўқитувчилари билан ҳамкорлик (алоқага чиқиш) қилиш имконини беради.

5) Stanford Research into the Impact of Technology in Education (Стенфорд университетининг таълим соҳасидаги технологияларнинг таъсири бўйича тадқиқоти): таълим соҳасида технологиядан фойдаланишни ўргатадиган, смарт технологиялари орқали ўқитадиган ҳамда таълим натижаларини қандай яхшилаш мумкинлигини аниқлайдиган тадқиқот ҳисобланади. Мазкур тадқиқот онлайн таълим, таҳлилий ўрганиш ва таълим технологиясини баҳолаш каби соҳаларга қаратилган.

6) Stanford d.school (Стенфорд мактаби): Стенфорддаги Ҳассо Платтнер дизайн институти (Hasso Plattner Institute of Design at Stanford), шунингдек, Stanford d.school сифатида ҳам танилган мактаб, инсонга йўналтирилган фикрлаш ва инновацияларга урғу беради. Мазкур мактаб ижодий муаммоларни ҳал қилиш ва фанлараро ҳамкорликни ривожлантириш учун смарт технологиялардан фойдаланадиган курслар ва семинарларни тақдим қилади.

7) Стенфорд кутубхоналари ва рақамли манбалар (Stanford Libraries and Digital Resources): электрон китоблар, онлайн маълумотлар базалари ва илмий мақолаларни ўз ичига олган рақамли ресурслардан фойдаланиладиган кутубхона ҳисобланади. Мазкур рақамли манбалар тадқиқотни қўллаб-қувватлайди. Барча талабалар ва ўқитувчиларга ўз соҳалари бўйича долзарб маълумотлардан фойдаланиш имконини беради.

